

II ФИКРЛАШ
ИРИШ
ТИМОВИЯ
КАЗАРНИСА
ДОКТОРИ (PhD)
ГАМБЕРДИЕВА




2021




2-son

IJODKOR O'QITUVCHI ILMIY-USLUBIY JURNAL:

INTILUVCHANLIK, IZLANUVCHANLIK, IJODKORLIK
YUKSAK MAQSADGA ERISHISH KAFOLATI



WWW.BESTPUBLICATION.ORG



CYBERLENINKA



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

IJODKOR O'QITUVCHI
ILMIY-USLUBIY JURNAL

MATERIALLARI TO'PLAMI

5-YANVAR, 2021-YIL

2-SON



INDEX COPERNICUS
INTERNATIONAL

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

doi digital object
identifier

Google
Scholar

CYBERLENINKA

ANIQ VA TEXNIK FANLAR	
<i>Bafojeva Sayyora Ibrohimovna</i> TO'G'RI TO'RTBURCHAKNING QISMLARINI KASR BILAN IFODALASHGA DOIR MASALALAR YECHISH MAVZUSIDAGI NOAN'ANAVIY DARS ISHLANMASI	10
<i>Mamajonova Shoxista Solijonovna</i> <i>Xolmatova Maxliyo Nazirjon qizi</i> TENGLAMALAR	15
<i>Rahmonov Erkin Sodiq o'g'li</i> <i>Jamolov Shahboz Jamil o'g'li</i> SONLARNING BO'LINISH BELGILARI	17
<i>Davletyarova Munajat Atanazarovna</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA O'QITISHNING UMUMIY MASALALARI	20
<i>Eshqurbonova Xadicha Abdusamatovna</i> MATEMATIKADA KOMBINATORIKA MASALALARINI YECHISH USULLARI	23
<i>Мукимова Комила</i> <i>Мукимова Дилноза Мурадупла қизи</i> ТҮРТ ХОНАЛИ ЛОГАРИФМ ЖАДВАЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ	26
<i>Qobilova Mahfuza Avazovna</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA DARSLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH	29
<i>Shukurova Shaxliya Xayrullayevna</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA DARSLARINI O'QITISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH	35
<i>Xudoyqulova Gulruh Shuhratovna</i> <i>Xudoyqulov Shohruh Shuhratovich</i> KETMA-KETLIKLER TA'RIFI VA BERILISH USULLARI	40
<i>Тожибоева Сайёра Эгамберганиевна</i> ИНФОРМАТИКА ФАНГА КИРИШ. ФАННИНГ ЎҚИТИЛИШ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ. ЭХМНИНГ АВЛОДЛАРИ ВА ТАРИХИ	43
FILOLOGIYA	
<i>Гулчехра Ибрахимовна Хамраева</i> <i>Рахматова Шахризода</i> БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ОЎЗАКИ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ	48
<i>Tukhtaboyeva Gulnozakhon</i> COMPARATIVE ANALYSIS OF CASE IN ENGLISH AND UZBEK	52
<i>Yusupova Ro'zigul</i> ONA TILI DARSINI TA'LIMIY O'YINLAR ASOSIDA TASHKIL ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.	56
<i>Umarova Sevara</i> ABDULLA QAHNOR IJODIDA O'ZIGA XOSLIK	59
<i>Artiqova Zarifa Baxriddinovna</i> YUSUF XOS HOJIBNING "QUTADG'U BILIG" ASARINING O'RGANILISHI BO'YICHA QO'SHIMCHA MA'LUMOTLAR	63
<i>Азимова Гулноз Бобоқуловна</i> СРЕДСТВА ВЕРБАЛЬНОЙ МАНИФЕСТАЦИИ ЭМОЦИЙ В ЛИРИКЕ И. А. БУНИНА	67
<i>Abdullayeva Muhayyo Imomniyazovna</i> <i>Dehqanova Sayyora Mashrabjanovna</i> BADIY ASARDA EMOTSIONAL – EKSPRESSIVLIKNING AFFIKSATSIIYA ORQALI IFODALANISHI (SAID AHMAD "UFQ" ROMANI ASOSIDA)	70
<i>Haydarova Dilafuz Burxonovna</i> HOW TO ENCOURAGE YOUNG LEARNERS TO BE CREATIVE	73
<i>Gulmehra Jumayeva Shamsiddinovna</i> CHET TILINI O'RGATISHDA GURUHLARDA ISHLASHNING SAMARASI VA LINGVODIDAKTIKANING O'RNI.	76
<i>Сафарова Мадина Мансуровна</i> ФУНКЦИИ ПРЕДЛОГОВ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ: ТРУДНОСТИ, С КОТОРЫМИ СТАЛКИВАЮТСЯ УЧИТЕЛЯ EFL ПРИ ОБУЧЕНИИ ПРЕДЛОГАМ	83
<i>Hafizova Sayyora Xodixonovna</i> BOSHLANG'ICH SINF ONA TILI DARSLARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH USULLARI	88
<i>Hoshimova Gulchehra Mashraf qizi</i> EFFECTIVE METHODS OF TEACHING VOCABULARY FOR THE ENGLISH LANGUAGE TEACHERS	92
<i>Ibragimova Madina Xudoybergan kizi</i> INCREASING STUDENT INTEREST IN ENGLISH TEACHING	94
<i>Masharipova Shoxida Umidbekovna</i> <i>Matyoqubova Ma'mura Maxsudbekovna</i>	96

FILOLOGIYA

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ОҒЗАКИ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ

Гулчехра Ибрахимовна Хамраева

БухДУ инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси катта ўқитувчиси

Рахматова Шахризода

БухДУ Хорижий тил ва адабиёти таълим йўналиши 4-курс талабаси

Тилни билиш - таълим, илм-фан, иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётдаги глобаллашувнинг янги даври учун асосий калит ҳисобланади. Ўзи танлаган соҳа бўйича эгаллаган билим ва кўникмаларини чет тилларда давом эттиришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган ҳозирги замон ёшлари ақлий камолотининг ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги инглиз тили ўқитувчиларининг ўз устида ишлашига, малакасини ошириб боришига ва онгини янада ривожлантиришига, таълим тизимидаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб бориши кераклигига асосий мотив бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1-Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора ва тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-

сонли қарорга биноан “Республиканинг барча ҳудудда чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади” (1). Мазкур қарор инглиз тили ўқитувчисидан бошланғич синф ўқувчиларининг тил кўникмаларини жаҳон таълим стандартларига мос равишда, амалда кенг қўллаш орқали ривожлантиришга, тил ўрганишнинг асосий усуллари – ёд олиш, овоз чиқариб ўқиш, ўқиб гапириб беришга эмас, балки талабаларни лойиха иши, бахс-мунозара/дебат, иншо, презентация, муамммоли вазиятларга ечим топиш ва кичик хажмдаги тадқиқот ишларини бажаришга жалб қилишни талаб қилади.

Бугунги кунда хорижий тилда мулоқотни ўргатишда ўйинларнинг коммуникатив-функционал, эмоционал-когнитив функцияларини ҳисобга олиш ва уларни ўқув

машғулотлари жараёнида қўллаш чет тили ўқитиш самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан бири сифатида тан олинмоқда.

Маълумки, ўйинлар орқали ўқув материални ўзлаштириши масаласи Г.В.Рогова и И.Н.Верещагина Е.И.Пассов, Д.Б.Эльконин каби кўплаб методист ва психолог олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган ва ҳар томонлама ёритилган.

Атоқли рус методист олими, чет тилларни ўргатишнинг коммуникатив технология асосчиси Е.И.Пассов фикрича, ўйин бу фаолиятдир, бундай фаолиятнинг мазмуни билишга, нутқий ҳаракатларга ўргатишдир. Е.И.Пассов ўйин фаолиятини ўргатувчи восита сифатида таърифлаб, унинг қуйидаги ижобий жиҳатларини кўрсатади:

- ❖ фаолиятнинг мотивлаштирилганлиги,
- ❖ ўрганиш жараёнида ташқи таърифнинг мавжуд эмаслиги,
- ❖ ўрганишнинг ихтиёрий индивидуал характерда эканлиги;
- ❖ ўқувчининг ўрганувчи ва ривожланадиган қобилияти гуруҳ ичида ва гуруҳ орқали амалга оширилиши,
- ❖ эмоционал таъсир орқали қобилиятлар шаклланишининг тезлашуви,
- ❖ ўйин орқали билишга қизиқишнинг ортиши

Бошланғич синфларда чет тилларни ўргатишда ўйинлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- мавзу бўйича муайян коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- мулоқотга киришувдаги нутқий ҳаракатларга ўргатиш;

- зарурий қобилият ва психик функцияларни ривожлантириш;

- ўйин замиридаги коммуникатив топшириқ мазмунини онгли ўзлаштириш.

Ўйин жараёнида ўқувчи ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти моделлаштирилади, уларнинг диққати, хотираси, фикрлаш даражаси, тасавури, билиш жараёни шакллантирилади ва такомиллаштирилади. Ўйинларнинг педагогик ва дидактик аҳамияти ўқувчиларни ўз-ўзини англашга, коммуникатив вазиятларда қандай нутқий ҳаракатни амалга ошириш лозимлигига, ўзини-ўзи синаб кўришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Маълумки, инглиз тилини ўқитиш жараёнида таълимий ўйинлар, яъни тил материалларини ўргатишга қаратилган грамматик, лексик, фонетик ўйинлардан фойдаланиш оғзаки нутқини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

а) **Грамматик ўйинлар** – ўқувчининг грамматик материални кунт билан ўрганишини, уни оғзаки нутқда қўллаш олиш қобилиятини ривожлантириш мақсадида - *Flapbooks, Find someone who...?, Sentence anagrams, Who Am I?* каби ўйинлардан;

в) **Лексик ўйинлар** -сўз бойлигини ошириш мақсадида –

Drawing Dictation, Simon Says, Bingo, I spy каби ўйинлардан;

с) **Фонетик ўйинлар**- талаффузга ўргатишга, товушларни тўғри талаффуз қилиш кўникма ва малакасини шакллантириш мақсадида - *Chinese whispers', Show the card, The tongue twister game, Word trees, The Alphabet Pyramid* каби ўйинлардан фойдаланилади.

Бошланғич синфларда юқорида тилга олинган таълимий ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта, чунки ўқувчи ҳаракатли ўйинлар орқали ҳам грамматик материални кунт билан ўрганади, ҳам сўз бойлиги ошади, ҳам товушларни тўғри талаффуз қила олиш кўникма ва малакасини шакллантирилади, шунингдек, грамматик материалларни, сўз ва ибораларни оғзаки нутқда қўллаш олиш имконига эга бўлади, шунингдек, бундай ўйинлар орқали ўргатишнинг афзаллик томонлари шундаки, улар орқали:

1. Ихтиёрий-мажбурий равишдаги “қилишим керак” тамойилидан хоҳиш-истак шаклидаги “қила оламан” тамойилига таянилади;

2. Ўқувчи бирор тил материални, янги сўз ва ибораларни “менга ўргатяпти”, ё “мен ўрганяпман” деб таҳлил қилиб ўтирмайди, балки ҳаракатларни бажариш орқали қувониб ўрганади, ўқитувчи эса шодланиб ўргатади, чунки ўйинда барча тенг;

3. Тенглик, шодлик туйғуси ўқувчиларга ўзга тил сўзларини ва

ибораларини ишлатишдаги уятчанлигини енгишга ёрдам беради;

4. Билинмаган, ҳолда ўқувчи хорижий тил лексикасини ўзлаштиради ва бу билан биргаликда ўқувчида ўзига хос ишонч туйғуси пайдо бўлади;

5. Сўз ва иборалар ўзбек тилига таржима қилиш орқали эмас, балки такрор ва такрор айтиб, ҳаракатларда бажариш орқали ўргатилади;

6. Ўқитувчидан жуда катта меҳнат талаб қилинмайди;

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўйинларнинг ўқитиш жараёнидаги ўрни жуда катталигини буюк педагоглар бир неча бор айтиб ўтган, шунингдек, кўп йиллик тажрибам ҳам шуни исботлайдики, ўқитиш жараёнида ўйинлардан фойдаланиш, ўқувчиларга тилни, сўз ва ибораларни нутқда қўллаш олишни ўйин бажариб ўргатиш жуда катта эффект беради. Сўзлар такрор ва такрор талаффуз қилинади, ҳаракатлар орқали бажарилади, шу орқали ўтилган мавзу ва янги мавзуга оид сўз ва иборалар тўлиқ ўзлаштирилишига эришилади. Ўйин давомида ўқувчининг қобилияти жуда тўла ва баъзан кутилмаган томонидан намойиш бўлади, чунки ўйин - бу алоҳида тайёрланган машғулотки, у қатнашчилардан кучли эмоционал куч ва ақлий меҳнатни талаб қилади, шу билан бирга дарс самарадорлигини янада оширади, ўқувчиларнинг тилни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиради, сўз бойлиги кам бўлган ўқувчи ҳам топқирликка,

ҳозиржавоблиликка ўрганади, турли
ҳаракатларни бажариб луғат
бойлигини оширади. Бу эса ўқитиш,

ўргатиш натижаларига ижобий
таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги 1875-сонли қарори, Халқ сўзи газетаси, 2012й

2. Mary Slattery and Jane Willis. English for Primary Teachers. Oxford University Press. 2010

3. Gordana Petricic. Play and talk. Communicative games for elementary and middle schools. Pro lingua associates Press, USA, 1997